

## Гуноҳ қилганлар

09:50 / 17.10.2017 3906

Абу Мусо Абдуллоҳ ибн Қайс ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**“Аллоҳ таоло кундузи гуноҳ қилганлар тавба этишлари учун кечқурун қўлини ёзади. Ва кечаси гуноҳ қилганлар тавба этишлари учун кундузи қўлини ёзади. Бу нарса қуёш мағрибдан чиқадиган кунгача давом этади”**, дедилар. Имом Муслим ривоятлари.

(Қуёш мағрибдан чиқадиган кун-Қиёматдир, яъни, қуёш машриқдан чиқар экан, тавба эшиклари очиқдир. Ёки руҳ халқумига етгунча тавба эшиклари очиқдир)